



## СПОРТ ШАРҲЛОВЧИСИ НУТҚИ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Илёс Рустамов*

*“Multilingo Academy” ўқув маркази раҳбари*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*ilyosrustamov14@gmail.com*

*+998909102088*

***Аннотация.** Спорт шарҳловчисининг нутқини мураккаб, кўп босқичли тизимга қийёслаш мумкин. Шарҳловчи мухлисларга маълум бир воқеанинг бориши ҳақида хабар берибгина қолмай, ёрқин ҳис-туйғуларга бой нутқини намойиш қилиб, воқеалар таҳлилини ўзининг шахсий нуқтаи назаридан амалга оширади. Мақолада спорт шарҳи тузилмаси, шарҳловчига қўйиладиган талаблар ҳамда спорт терминологиясидан ўринли фойдаланиш аҳамиятига эътибор қаратилади.*

***Калит сўзлар:** футбол, спорт нутқи коммуникантлари, спорт шарҳловчиси, шарҳловчи нутқига талаблар, спорт репортажи, спорт терминологияси.*

***Abstract.** The speech of a sports commentator can be compared to a complex, multi-level system. The commentator not only informs the fans about the progress of a certain event, but also analyzes the events from his personal point of view, showing his speech full of vivid emotions. The article focuses on the structure of sports commentary, the requirements for a commentator, and the importance of appropriate use of sports terminology.*

***Key words:** football, sports speech communicators, sports commentator, requirements for commentator speech, sports reporting, sports terminology.*

Спорт шарҳлари жамоатчилик орасида муайян мусобақа ёки спорт турига қизиқишни кучайтиришга қаратилгани билан диққатга сазовор. Бугунги кунда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида берилаётган спортга оид



материалларнинг катта қисми мамлакатимиз спортчилари юксак натижаларни қўлга киритаётган спорт турларига, хусусан бокс, дзюдо, кураш, шарқ яккакурашлари, шахмат ва бошқаларга бағишланганини эътироф этиш даркор. Бироқ барча бошқа турлардан футболга оид репортажлар устун туришини исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат дейиш мумкин.

Футбол шарҳловчиси нутқи оғзаки сўзлашув услубидаги матннинг муайян оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари билан уйғун ҳолда шаклланишдир. Сўнгги йилларда замонавий технологиялар тараққий топиши баробарида футбол шарҳловчиси нутқи иллюстратив ва график изоҳлар билан тўлдирилиши кўп учрамоқда. Шу билан бирга футбол ўйнининг у ёки бу лаҳзаларини жаргон ва футбол терминологияси ёрдамида тасвирланиши эътиборни тортади.

П.Г.Евдокимовга кўра, спорт нутқида коммуникантлар – спорт субъектлари – ўзларининг коммуникатив мақсадларини турли йўллар билан намоён қилувчи учта лингвистик шахслар гуруҳига ажратилади:

1) спортчилар ва уларнинг атрофидагилар – мураббийлар, ҳакамлар, шифокорлар, маъмурлар ўз нутқини спортда ижобий натижага эришиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб тузади;

2) мухлислар ва томошабинлар – спорт мусобақаси ёки тадбирининг бевосита иштирокчиларининг ҳаракатлари ва тайёргарлиги натижаларини ҳиссий жиҳатдан баҳолайдилар;

3) спорт шарҳловчилари ва спорт журналистлари – виртуал мухлислар (телевидение томошабинлари, радио тингловчилари, босма ОАВ ўқувчилари ҳамда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари учун воқеалар ривожини таърифлайди, тавсифлайди [1].

А.Б.Зильберт спорт ва оммавий ахборот воситалари нутқининг уйғунлигига эътибор қаратади, чунки оммавий алоқа каналлари спорт нутқини тарқатишнинг асосий тармоғи ҳисобланади [2]. Спорт шарҳини яратишда асосий



ролни телевидение, радио, газета ёки интернет тармоғидаги ОАВ журналисти ўйнайди. У маълум бир спорт тури ва томошабинлар ўртасида кўприкка айланади. Мулоқот аксарият ҳолларда бир томонлама бўлади, яъни шарҳловчи аудиториянинг фикрини билиш имкониятига эга бўлмайди.

Спортнинг кўтаринки эмоционалиги тарбиявий ва кўнгилочар вазифаларни бажариш билан бирга мухлислар руҳий жиҳатдан ўз муаммоларини унутиб енгил тортишига ёрдам беради. Бундан ташқари, спорт шарҳининг "пассив" мухлисларга таъсири фақат ахборот етказиш ва кўнгилочар функциялар билан чекланса, спорт маълумотлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланган фаол мухлислар шарҳловчи нутқида ахборот, таҳлил, маърифий ва тарғибот функцияларининг ўзига хос қирраларини ҳис қилишади.

Спорт репортажидаги шарҳ тузилмаси одатда қуйидагича бўлади:

1. Саломлашиш ва мавзуга кириш;
2. Суҳбатдошини таништириш (агар бўлса);
3. Спорт мусобақаси, арена, об-ҳаво ёки томошабинлар сони кабилар ҳақида хабар;
4. Мусобақа иштирокчилари: спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва бошқаларни таништириш;
5. Воқеалар ривожини шарҳлаш, натижаларни эълон қилиш;
6. Кейинги учрашувларга эътибор қаратиш;
7. Хайрлашиш.

Ўйин жараёнида шарҳловчи воқеаларнинг ривожланишидан келиб чиқиши, шарҳини мухлислар аудиторияси идрокига мослаштириши керак. Шарҳловчи ўзини ижодкор шахс сифатида кўрсата олмаса, муваффақият қозониши мушкул.

Спорт шарҳининг энг кенг тарқалган варианты – микрофон қаршисида битта шарҳловчи бўлиши. У трансляцияга олдиндан тайёргарлик кўради, муайян турнир пешқадамлари, мусобақа тарихи, ҳаттоки спортчиларнинг шахсий ҳаёти



ҳақида маълумотларни тўплайди. Деярли икки соат давомида у томошабин билан ёлғиз қолади; экран рўпарасидаги мухлисида шарҳловчи профессионал эмас экан деган таассурот қолдирмаслиги керак.

Ўз навбатида, овоз ва нутқ услуби алоҳида аҳамиятга эга. Шарҳловчи ўз томошабинларининг кайфиятини ҳис қилиши керак.

Ушбу турдаги шарҳнинг қийинлиги томошабин эътиборини муттасил жалб қилишга эришиш кераклигидир. Шарҳловчи аренада содир бўлаётган воқеаларнигина айтиб бориши камлик қилади, ўзини кўрсатаётган спортчиларнинг олдинги натижалари, шахсий ҳаётдан эътиборга молик воқеалар, мусобақа арафасида берган интервьюда билдирган фикр-мулоҳазалари ва бошқа жиҳатлар ҳақида ҳам сўзлаш талаб этилади. Шарҳловчи мазкур жараёнда “олтин ўрталик”ни топиши жуда муҳим.

Баъзан репортаж жонли эфирда намойиш қилинмаслиги, балки мусобақа тугаганидан кейин маълум вақт ўтиб мухлислар эътиборига ҳавола қилиниши мумкин. Шундай ҳолларда ўйин натижасини олдиндан биладиган шарҳловчи томошабинга сир бой бериб қўймаслиги, репортаж охиригача ўйинга қизиқишни сақлаб қолиш учун ўз нутқига ўта талабчанлик билан ёндашиши зарур.

Шарҳловчига қўйиладиган талаблар орасида қуйидагиларни санаб ўтиш жоиз:

- майдондаги ҳолатларни мукамал тушуниб, идрок этади;
- ўйиндаги паузаларни вазиятдан келиб чиқиб тўлдира олади;
- ҳолатларга ўринли муносабат билдиради ва мухлислар билан мулоқотнинг қизиқарли бўлишига ҳаракат қилади;
- жонли ва қизиқарли, ҳис-туйғу ва ҳаяжонга бой шарҳлайди;
- бой сўз захирасига эга;
- турли статистик маълумотларни ўринли тақдим этади;
- ҳазил-мутуйиба, қочиримларни ўринли қўллайди ва одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилади;



- майдондаги воқеалар, мусобақа жадвалидаги вазият ва учрашув иштирокчилари истиқболларини баҳолашда холисликка эътибор беради;

- ўйиннинг ҳал қилувчи лаҳзаларида овозини ўзгартириб эътиборни жалб қила олади.

Спорт шарҳловчиси нутқининг асосий хусусиятларидан яна бири спорт терминологиясидан тўғри фойдаланишдир. Касбий тилнинг бу қатлами, биринчи навбатда, спортнинг энг умумий ва мавҳум тушунчаларини ифодаловчи спорт атамалари билан ифодаланади. Масалан: спорт, спортчи, спорт тури, профессионал, машғулот, ютуқ, ҳакам, ғалаба, мағлубият, рақобат, чемпион ва бошқалар.

Умумий спорт атамаларидан кейин умумий хусусиятга эга бўлган спортга хос бўлган тушунчаларни ифодаловчи соҳа атамалари келади. Жамоавий спорт турлари терминологиясида тармоқ атамаларига қуйидагилар киради: мудофаа, ҳужум, жамоавий ўйин, майдонча, тактик усул, жарима, танаффус ва ҳоказо.

Ҳозирга қадар ўзбек тилида спорт терминларининг мукамал луғатлари яратилмагани шарҳловчилар нутқига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу айниқса спор турлари бўйича тилимизда муқобили йўқ атамаларни ҳар бир журналист ўзича ўзлаштириши натижасида мухлисларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда [3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, спорт шарҳловчиси нутқи режиссёр ва операторлар фаолияти билан бирга репортаж муваффақиятининг бош омилларидан саналади. Демак, шарҳ давомида қўлланадиган маълумотлар, сўз ва иборалар, уларнинг оҳанги, овознинг баланд-пастлиги, гапириш маромига масъулият билан ёндашиш доим диққат марказида бўлиши зарур.

### **Адабиётлар:**

1. Евдокимов П.Г. О социальной сущности и функциях физической культуры и спорта - Волгоград: ВГИФК, 1991.- 173 с.



2. Зильберт А.Б. Спортивный дискурс: точки пересечения с другими дискурсами (проблемы интертекстуальности) // Язык, сознание, коммуникация - 2001. - № 19. - С. 103-112.

3. Тўхтамирзаев М. Шарҳловчи ва футбол лексикасининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да акс этиши // "Ўзбекистонда замонавий луғатшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари (бир тилли, кўп тилли, терминологик ҳамда электрон луғатлар тузиш масалалари)". Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. - I қисм / масъул муҳаррир С.О.Солижонов - Андижон: "Андижон давлат университети" нашриёти, 2023. – Б. 150-153.